

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини
ривожлантириш марказининг куп тармокли клиникаси

в.в.б.Бош шифокори  С.Р.Маткаримов.

I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

- | | | | |
|---|------------------------------|-----|---|
| 1 | Умумий
қоидалар. | 1.1 | Ушбу танлов ҳужжати Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни (бундан сўнг матнда – Қонун) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.02.2018 йилдаги қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 15 май 2018 йилдаги 185-сонли “Харидларни ташкиллаштириш ва ўтказиш ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган |
| | | 1.2 | Танлов мавзуси: Дезинфекция , дератизация ва дезинсекция хизмати |
| | | 1.3 | Хизматларнинг энг энг юқори қиймати билан <u>48497900</u> сўмни ташкил қилади. Танлов таклифида кўрсатилган нархлар энг юқори қийматдан ошмаслиги зарур. |
| | | 1.4 | Кўрсатиладиган хизматлар учун техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида тақдим этилган. |
| | | 1.5 | Танлов комиссияси мажлисининг шакли - <u>электрон</u> . |
| 2 | Танлов
ташкilot
чилари | 2.1 | Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг куп тармокли клиникаси

(бундан сўнг «Буюртмачи»)
«Буюртмачи» манзили: Тошкент шаҳар Миробод тумани С.Азимов кўчаси 74
Тел: +99 890 329 79 00
«Буюртмачи» реквизитлари:
4014 1086 0262 7370 7310 1054 001
СТИР 201 799 978 _____
ОКЭД: _____
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги
Л/С (ўзбек сўми
Л/С (АҚШ доллари): ,,,,
Марказий банк Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб касса маркази Тошкент ш.
ЎЗР МБ Тошкент шаҳри бўйича ХҚКМ
х/р: 23402000300100001010
МФО 00014
СТИР: 201 122 919 |
| | | 2.2 | Буюртмачининг алоқа шахси:
ФИШ: А.Эрназаров
email: ,,,,, |

- Тел.: : +99 890 329 79 00
- 2.3 Шартнома тузувчи: Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг куп тармокли клиникаси
- 2.4 Танлов Буюртмачи томонидан тузилган, таркиби бешта аъзодан иборат бўлган Танлов комиссияси томонидан ўтказилади.
- 3 **Танлов иштирокчилари** 3.1 Танловда ТИЙ 4.11 да кўрсатилган юридик шахслардан ташқари, мулкчилик шаклидан қатъий назар исталган юридик шахслар¹, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.
- 4 **Танловни ўтказиш тартиби** 4.1 Танловда иштирок этиши учун иштирокчи қўйидагиларга мажбур:
а) танлов шартлари билан танишиши учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон шаклини олиши (юклаб олиши);
б) ушбу ТИЙ талабларига мувофиқ ҳолда малакавий ҳужжатлар ва танлов таклифни тақдим этиши;
- 5 **Танлов савдолари да қатнашиш учун иштирокчиларни малакавий танланиши** 5.1 Танлов бошланишидан олдин, танлов комиссияси томонидан иштирокчиларнинг малакавий танланиши амалга оширилади. Танловда иштирок этиш учун фақат малакавий танловдан ўтган иштирокчиларгина рухсат этилади.
5.2 Малакавий танловни ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати, мазкур йўриқноманинг 1-илоvasида (№1,2,3,5 шакллари) тақдим этилган. Барча малакавий ҳужжатлар танлов такливлари билан бирга **ташқи** конвертга солиниши лозим.
5.3 Малакавий баҳолаш мезонлари 2-иловада тақдим этилган.
- 6 **Танлов тили, ўлчовлар бирлиги.** 6.1 Иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган танлов таклифлари ва у билан боғлиқ бўлган корреспонденция ўзбек тилида ёки рус тилида бўлиши керак.
- 7 **Танлов таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби** 7.1 Иштирокчи техник ва нарх таклифларидан иборат бўлган ҳужжатлар тўпламини онлайн тартибда тақдим этиши керак..
7.2 Танлов иштирокчиси:
тақдим этилаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун жавобгар;
фақат битта таклиф беришга ҳақли;
таклифларни тақдим этиш муддати яқунланганга қадар киритилган таклифни чақириб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли.
7.3 Танлов таклифи икки қисмдан иборат:
техник қисми Буюртмачининг техник талабларига мувофиқ бўлиши ва таклиф этилаётган дастурий маҳсулотнинг техник топшириқларга

мувофик ҳолда батафсил ва аниқ тавсифига эга бўлиши лозим;

нарх қисми танлов шартларига мувофик бўлиши ва қуйидаги маълумотларга эга бўлиши зарур: хизмат номи, хизматларнинг нархи, якуний қиймат, хизматларни бажариш шартлари, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиш муддати ва ҳоказолар.

7.4 Танлов таклифи қуйидаги тарзда расмийлаштирилади.

7.5 Нарх таклифли мажбурий ҳужжатларнинг мавжудлиги бўйича талаблар:

ушбу йўриқномага илова қилинган 7-шаклга мувофик ҳолда нарх таклифи ва нархлар жадвали.

7.6 Танлов таклифлари « » 2022 йил соат 17⁰⁰ гача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар Миробод тумани С.Азимов кучаси 74 уй

7.7 Иштирокчиларнинг танлов таклифи амал қилиш муддати, танлов таклифларини тақдим этиш яқунланган санадан бошлаб камида 30 кун бўлиши керак.

8 Танлов таклифларини тақдим этиш муддатини узайтириш

8.1 Танлов комиссияси танловни ёпиш санасини кўчириш (танлов таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириш) ҳақидаги қарорни қабул қилиши мумкин бўлиб, ушбу қарор танловнинг барча иштирокчилари учун амал қилади. Танловни узайтириш муддати 10 кундан ошмаслиги керак

8.2 Муддатни узайтириш тўғрисидаги қарор фақат танлов комиссиясининг мажлисида қабул қилинади.

8.3 Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатларини узайтириш ҳақидаги эълон <https://xarid.uzex.uz/> сайтида жойлаштирилади.

9 Танлов таклифлари солинган ковертларни очиш тартиби ва уларни баҳолаш мезонлари

9.1 Эълонда танловни ўтказиш вақти сифатида кўрсатилган вақтда танлов комиссияси танлов таклифларини баҳолашни ўтказиш учун танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган теклифли конвертларни очади. Танлов иштирокчисининг ваколатли вакили конвертларни очиш жараёнида иштирок этишга ҳақли.

9.2 Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати, танлов таклифларини тақдим қилиш яқунланган вақтдан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.

9.3 Зарур бўлганда танлов комиссиясининг маъсул шахси иштирокчиларни танлов таклифларини очиш тадбирини ўтказиш санаси ва жойи ҳақида хабардор қилади. Иштирокчилар танлов комиссиясининг мажлисига келмаган тақдирда, танлов таклифлари солинган конвертлар бир томонлама тартибда очилади.

9.4 Танлов иштирокчиларининг таклифи солинган конвертларни очиш танлов комиссиясининг мажлисида амалга оширилади.

9.5 Эълондтанловни ўтказиш вақти сифатида кўрсатилган вақтда, танлов комиссияси таклифларни баҳолаш учун танлов иштирокчиларининг таклифи солинган ковертларни навбати билан очади. Танлов иштирокчисининг ваколатли вакили конвертларни очиш жараёнида қатнашиши мумкин.

Конвертларни очиш жараёнида барча тақдим этилган ҳужжатлар ва иштирокчиларнинг тижорат таклифи нархи маълум қилинади.

- 9.6 Таклифлар солинган ковертни очишда ундаги барча хужжатларнинг мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилгани текширилади. Конвертда тегишли хужжатлар бўлмаган тақдирда, танлов комиссияси ушбу таклифнинг кўриб чиқилиши ва баҳоланишини рад этишга ҳақли.
- 9.7 Танлов комиссияси танлов хужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида танлов ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларнинг баҳоланишини амалга оширади.
- 9.8 Танлов иштирокчиси тақдим этган хужжатларда мавжуд бўлган маълумотларнинг ишончсизлиги аниқланган тақдирда, танлов комиссияси бундай иштирокчини танловда қатнашишдан четлатишга ҳақли бўлади.
- 9.9 Танлов таклифларини баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш, танлов хужжатларида баён этилган мезонлар асосида амалга оширилади (2-илова)
- 9.10 Таклиф, агар у қонун, қарор ва танлов хужжатлари талабларига мувофиқ бўлса, тегишлича расмийлаштирилган деб тан олинади.
- 9.11 Агар танлов иштирокчиси қонун ва қарорда белгиланган талабларга жавоб бермаса ёки танлов иштирокчиси тақдим этган таклиф танлов хужжатларига мувофиқ келмаса, ушбу таклифни рад этишга ҳақли.
- 9.12 Танлов таклифларини баҳолаш жараёнида танлов комиссиясининг маъсул шахси иштирокчиларга танлов таклифида кўрсатилган у ёки бу маълумотни тасдиқлаши ёки тушунтириши бўйича ёзма шаклдаги сўров юборишга ҳақли. Бундай сўровларни олган иштирокчилар танлов комиссиясига ёзма жавоб бериши ва сўралаётган маълумотни тақдим этиши лозим. Бундай ёзишмалар давомида танлов таклифининг техник қисмига бирор-бир ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.
- 9.13 Агар танлов иштирокчилари таклифларни турли валюталарда тақдим этишса, таклифларнинг қиймати уларни баҳолашда мазкур танлов хужжатининг 7.15 бандида кўрсатилган таклифларни бериш санаси ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича ягона валютада қайта ҳисобланади.
- 9.14 Танлов хужжатлари ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф этган танлов иштирокчиси ғолиб деб тан олинади.
- 9.15 Арифметик ёки бошқа хатолар бўлган тақдирда, танлов комиссияси танлов таклифини рад этишга ҳақли бўлади.

10 Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликка риоя қилиш

10.1 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган жавобгарлик куйидагилар зиммасига юкланади:

тақдим этилаётган танлов таклифларининг ҳисобини юритаётган ва уларнинг сақланиши ва махфийлигини таъминлаётган, ишчи орган таркибига кирувчи шахслар;

комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек танлов таклифларини ўрганиш учун тузилган ишчи гуруҳ аъзолари маълумотларни ошкор қилгани, иштирокчилар ва комиссиянинг бошқа аъзолари, шунингдек жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиргани, шунингдек бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар учун.

Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини (миқдорий, сифат ва техник параметрлар бўйича) бажармаган танлов ғолиби Ўзбекистон Республикаси

- конунчилиги ва/ёки тузилган шартномада назарда тутилган жавобгарликка эга бўлади.
- 11 Бошқа шартлар**
- 11.1 Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов бўйича тушунтиришларни олиш учун маъсул шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.
- 11.2 Буюртмачи Харид комиссияси билан келишган ҳолда, танловда иштирок этиш учун таклифларни бериш муддатининг якунланиш санасидан камида уч кун олдин танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.
- 11.3 Хизмат предмети ва хажмига ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди. Бунда танловга таклифларни тақдим қилишнинг якунланиш муддати, танлов ҳужжатларига ўзгартиришларни киритиш санасидан бошлаб камида ўн кунга узайтирилиши керак.
- 11.4 Танлов иштирокчиси буюртмачига танловни ўтказиш учун берилган эълонда белгиланган шаклда танлов ҳужжатларидаги қоидалар бўйича тушунтириш олиш бўйича сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи ушбу сўров келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни давомида, агар мазкур сўров буюртмачига таклифларни бериш муддати якунланган санадан камида икки кун олдин келган бўлса, танлов ҳужжатларининг қоидалари бўйича тушунтиришни белгиланган шаклда йўллаши шарт.
- 11.5 Танлов иштирокчиси танлов таклифлари қабул қилинишининг охириги муддати якунланганга қадар танлов комиссиясига тақдим этилган танлов таклифига ўзгартириш киритишга ҳақли. Танлов таклифига ўзгартириш киритиш тартиби қуйидаги тартибда амалга оширилади:
- танлов иштирокчиси танлов комиссиясига олдинги конверт очилганга қадар елимланган ва юзасига “ўзгартириш” деб ёзилган, ўзгартирилган таклиф солинган янги конвертни тақдим этади;
- алмаштирилган конверт иштирокчига очилмаган ҳолда қайтарилади.
- 11.6 Танлов комиссияси томонидан танлов қуйидаги ҳолларда ўтказилмаган деб ҳисобланади:
- агар танловда битта иштирокчи қатнашган ёки умуман ҳеч қандай иштирокчи қатнашмаган бўлса;
- агар таклифларни кўриб чиқиш натижалари бўйича танлов комиссияси барча таклифларни рад этган ёки фақат битта таклиф танлов талабларига мувофиқ бўлса;
- барча тақдим этилган танлов таклифлари зарур бўлган ҳужжатлар тўпламига эга бўлмаса.
- 11.7 Буюртмачи ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда танловни бекор қилишга ҳақли. Буюртмачи танловни бекор қилган тақдирда, ушбу бекор қилиш қарорининг асосланган сабабларини махсус ахборот порталида эълон қилади.
- 12 Шартнома ни тузиш**
- 12.1 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда кўрсатилган шартларда тузилади.
- 12.2 Танлов комиссиясининг қарори бўйича ғолиб деб эълон қилинган танлов иштирокчиси буюртмачидан тегишли хабарномани олади.
- 12.3 Танлов ғолиби томонидан шартноманинг ўз вақтида имзоланмаслиги, шартномани тузишдан бош тортиш деб баҳоланади. Ушбу ҳолатда танловнинг кейинги иштирокчиси (заҳирадаги, яъни баҳоланган якуни бўйича иккинчи ўринни эгаллаган иштирокчи)нинг мақбул таклифи кўриб чиқилади.